

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ҚЎЛДОШОВ ЎКТАМЖОН ЎРОЗОВИЧ

**КОНВЕРСИВ СЎЗЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек бадиий прозаси материалида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Қўлдошов Ўктамжон Урозович

Конверсив сўзларни таржима қилишнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи (инглиз ва ўзбек бадиий прозаси материалида) 3

Кулдошов Уктамжон Урозович

Семантическое и лингвокультурологическое исследование перевода конверсивов (на материалы английской и узбекской прозы)..... 25

Kuldoshov Uktamjon Urozovich

Semantic and linguocultural studies of translation of converses
(on the materials of English and Uzbek prose) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ҚЎЛДОШОВ ЎКТАМЖОН ЎРОЗОВИЧ

**КОНВЕРСИВ СЎЗЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек бадиий прозаси материалида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тухтасинов Илхомжон Мадаминович педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
Расмий оппонентлар:	Хайруллаев Хуршид Зайниевич филология фанлари доктори (DSc), доцент Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-29-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А.Киселев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., филология фанлари доктори, доцент

Ғ.Қ.Мирсанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида тилни маданий ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг таржима жараёнида намоён бўладиган лингвоконцептуал ва лингвокультурологик жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Хусусан, тиллараро ва маданиятлараро мулоқотларда фаоллашадиган сўзларни таржима қилиш жараёнларида намоён бўладиган омиллар тавсифи ҳамда сўзларнинг таржимасини лисоний-маданий ва миллий менталитет нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида тилшунослик ва таржимашуносликда илмий парадигмаларнинг ўзгариши, глобллашув даврида таржиманинг нафақат лингвистик масалаларига, балки унинг маданий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Эндиликда таржимага тиллараро ва маданиятлараро мулоқот шакли сифатида қарала бошланди. Бу ўринда, турли тиллар ёки маданиятларнинг ўзаро муносабати натижасида вужудга келадиган тиллараро ва маданиятлараро муқобилликнинг йўқлиги оқибатида бир тил ва маданият эгаси томонидан бошқа бир тил ва маданиятга хос тушунчаларни англаш ҳамда талқин қилишда фарқли жиҳатлар намоён бўлади.

Мустақилликнинг айна даврида Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг бош омиллари белгиланар экан, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда.¹” Бу ўзгаришларнинг исботи илм-фан, санъат, маданият, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ютуқларида намоён бўляпти. Шунга асосланиб, таржимашуносликнинг, жумладан, конверсив сўзларни таржима қилишнинг структурал-семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари, улар таржимасининг миллий маданий ўзига хослиги ҳамда таржима жараёнида улардан когнитив кўчим сифатида фойдаланиш юзасидан ўзбек таржимашунослигида етарлича тадқиқот олиб борилмаганлиги ушбу мавзунини тадқиқ қилиш заруратини белгилайди. Мазкур тадқиқот инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг функционал-семантик хусусиятлари ҳамда бу ҳодисанинг лингвокультурологик ўзига хосликларининг қиёсий таҳлили асосида конверсив талқин ҳодисасини ўрганишга бағишланганлиги билан ҳам долзарблик касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”, https://uza.uz/uz/posts/yangi_293336.17.08.2021.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори, 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакиллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Конверсивлик ходисасининг тилшуносликда, тил, луғат таркибидаги ўрни ва мавқеи ҳамда тил ходисаси сифатида структурал-семантик ва функционал жиҳатлари тилшунослардан Ш. Балли (Ch. Bally), О. Есперсен, З. Харрис, Ж. Лайонз (J. Lyons), Ю. Апресян, М. Мастерман, Ф. Палмер (F. Palmer), Д. Кастовский (D. Kastovsky), Л. Новиков² ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқот ишларида ёритилган.

² Балли Ш. Французская стилистика (Bally Ch. Traite de stylistique française, 1921). 2-е изд., стереотипное. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 392 с.; Есперсен О. Философия грамматика. М.: Изд-во иностр лит-ры, 1958. – 380 с.; Харрис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре // Новое в лингвистике. – М., 1965. – Вып.2. – С. 528-636.; Lyons J. Semantics. Cambridge university press, 1977. – 386 p.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. Избранные труды. Испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры», Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1967/1995. – VIII с., – 472 с.; Мастерман М. Тезаурус в синтаксисе и семантике. Математическая лингвистика. Сборник

Конверсивларнинг синтактик сатҳдаги тадқиқи А. Жолковский ва И. Мельчук, К. Бабицкий, В. Гак, Ю. Апресян, Ж. Бар-Хиллел (J. Bar-Hillel), Ж. Фильмор (Ch.J. Fillmore), Ж. Лайонз, Т. Ломтев ишларида ўз аксини топган. Бундан ташқари, Ж. Фильмор, Ю. Апресян³ каби олимларнинг асарларида лексик конверсивларнинг семантик жиҳатлари ҳам таҳлил қилинган.

Таржимашунослик соҳасида конверсивлик ходисасининг ўрганилиши, унинг таржима стратегияларидан бири эканлиги ғарб таржимашунослари Ж. Винай ва Ж. Дарбелнат (J. Vinay, J. Darbelnet), А. Честерман (A. Chesterman), Ж. Мандий (J. Munday)⁴, тадқиқотларида, унинг таржима трансформацияларидан бири эканлиги А.Д. Швейцер, Е. Штайер, В. Комиссаров, А. Горохова, Е. Бреус, З. Прошина, Л. Санжеева, А. Олейник, N.Maskaliuniene⁵ каби тадқиқотчилар илмий ишларида ўз аксини топган.

Лингвокультурология ва маданиятлараро мулоқот муаммолари, тилни ўрганишга лингвокультурологик ёндашув ҳозирги кунда жуда долзарб, кенг тарқалган йўналиш бўлиб бу соҳада тилшуносликда охирги йилларда Е. Верещагин ва В. Костомаров, А. Вежбицкая, В. Маслова, В. Телия, В.

переводов. – М., 1964. – 126 с.; Palmer F. Semantics. A new outline. Semantics. – М. VSh, 1976. – 164 с.; Kastovsky D. Interaction of lexicon and syntax: Lexical converses. Forms and functions. Papers in general, English and applied linguistics presented to Vilém Fried on the occasion of his 65th birthday Tübingen: Narr, 1981. – P. 123-136.; Новиков Л.А. Семантика русского языка, – М.: ВШ, 1982. –272 с.

³ Жолковский А.К., Мельчук И.А. О возможном методе и инструментах семантического синтеза // Научно-техническая информация. № 6., 1965. – С. 5-35.; Жолковский А.К., Мельчук И.А. К построению действующей модели языка "смысл текст" // Машинный перевод и прикладная лингвистика. Вып. 11. П, М., 1969. – С. 67-72.; Бабицкий К.И. О синтаксической синонимии предложений в естественных языках // Научно-техническая информация, 1965. № 6. – С. 21-25.; Гак В.Г. Использование лексических средств при синтаксических трансформациях. Научные доклады высшей школы // Филол. Науки, 1965 № 4. – С. 48-56.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. Избранные труды том I. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры», Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1967/1995. – VIII, – 472 с.; Bar Hillel J. Dictionaries and meaning rules // Foundations of language International journal of language and philosophy. 1967. Vol. 3. № 4 – С 78-84.; Fillmore Ch.J. Lexical entries for verbs // Foundations of language International journal of language and philosophy, 1967. Vol. 4. № 4. – С. 87-94.; Lyons J. Introduction to theoretical linguistics. Cambridge: Cambridge University Press, 1968. 1979 – 519 p.; Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972. – 199 с.; Fillmore Ch.J. Types of lexical information // Studies in syntax and semantics. / ed. P. Kiefer. Dordrecht; Holland, 1969. – 236 p.; Апресян Ю.Д. Синонимия и конверсивы. Русский язык в национальной школе, 1970. № 6. –С. 45-51;

⁴ Vinay J.P., Darbelnet J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. [Stylistique Compare du Francais et dfe l'Anglais. Methode de Traduction]. Translated and edited by Juan C. Sager and M.-J. Hamel. Benjamins Translation Library, 11, 1958/1995. – 359 p.; Chesterman A. Memes of translation. John Benjamins Publishing Company <https://benjamins.com>, 1997. – 225 p.; Munday Jeremy. Introducing translation studies. 4th ed. Routledge. London and New York, 2016. – 376 p.;

⁵ Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 215 с.; Штайер Е. О конверсивной трансформации//тетради переводчика. – №7. – М.: Международные отношения, 1970. – 112 с.; Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М.: Международные отношения, 1973. – 215 с.; Горохова А.И. Сопоставительный анализ способов достижения эквивалентности в синхронном и письменном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – 174 с.; Бреус Е.В. Курс перевода с английского языка на русский. учебное пособие. – М.: Р. Валент, 2007. – 320 с.; Прошина З.Г. Theory of translation (English and Russian). 3d edition, revised. Теория перевода. Уч. на англ. яз. Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2008. – 276 p.; Санжеева Л.Ц. Конверсивные и антонимические оппозиции в поэтике эпического текста, их передача на русский и английский языки. Филологические науки. Вопросы теории и практики Тамбов: Грамота, 2010. № 2 (6). – С. 157-160.; Олейник А.Ю. Конверсивные переводческие трансформации: аспекты интерпретаций. Вестник № 3. Moscow state regional university, 2010. – С. 110-113.; Maskaliuniene Nijole Converses and antonyms in translation. International Conference; Meaning in Translation: Illusion of Precision, Riga, Latvia. University of Vilnius, Lithuania. МТИР, 2016. 11-13 May 2016. – С. 19-24;

Воробьев, Н. Алефиренко, С. Тер-Минасова, Ш. Усмонова⁶ ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Ўзбекистонда таржима асарларининг лингвокультурологик таҳлиliga бағишланган ишлар Н.А. Тўхтаходжаева, Р.Х. Ширинова, Н. Досбаева, У. Йўлдошев, З. Тешабоева⁷лар, таржиманинг когнитив ва антропоцентрик таҳлиллари Ш. Сафаров⁸ томонидан олиб борилмоқда.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли равишда ушбу тадқиқот инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсивлик ҳодисасининг лингвокультурологик табиатининг чоғиштира тадқиқига бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат чет тиллар институти таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг “Таржима назариясининг лингвокультурологик ва ўқув-услубий масалалари” деб номланган тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг функционал-семантик хусусиятларини ёритиб бериш ва уларни таржима қилишнинг лингвокультурологик жиҳатларини қиёсий тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг таркибини қиёслаб, конверсивлик хусусиятига эга бирикма ва гапларнинг тиллараро муқобиллигининг назарий асослари бўйича жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигидаги мавжуд қарашларни таҳлил қилиш;

таркибида конверсивлик маъноси бўлган сўзларни таржима қилиш жараёнида матн таҳлиliga когнитив ва лингвокультурологик ёндашувнинг ўзига хослиги ва аҳамиятини очиб бериш;

⁶ Верещагин Е.М. Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М.: Русский язык, 1976. – 248 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: 1996; – 416 ст.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – 183 с.; Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996. – 222 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2006. – 336 с.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие. – 3-е изд. – М.: Флинта: Наука, 2010. – 224 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация: учеб. Пособие. – М.: Слово/Slovo, 2000. – 264 с.; Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – 245 б.;

⁷ Тўхтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Т.: 2017. – 42 б.; Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Т.: 2017. – 26 б.; Досбаева Н.Т. Таржимада бадиий яхлитлик. // Филология масалалари. – Т.: 2011. № 1. –Б. 70-73.; Досбаева Н.Т. Ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарнинг лингвокультурологик таҳлили. Фил. фан. докт. дисс. автореф. – Т.: 2021. – 74 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2017. – 17 б.; Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: 2017. – 20 б.

⁸ Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Монография. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2019. – 300 б.

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ҳамда уларни таржимада ифодалашда муқобилликка эришиш мезони ва усуллари ишлаб чиқиш;

имплицит маъно касб этувчи конверсивлик тушунчасига таржимашуносликда ўзига хос табиатга эга ҳодиса сифатида қараб, “конверсив таржима” усулини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий дискурда қўлланилган конверсив сўзлар ва уларнинг таржималари.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари, уларни таржима қилишда мазмуний муқобилликка эришиш ва бу жараёнда лингвокультурологик ёндашувнинг ўрни ҳамда аҳамияти масаласи.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-типологик, трансформацион, статистик, концептуал-семантик таҳлил, тушунчаларнинг лингвокультурологик ҳамда лингвистик талқин усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг таркиби қиёсланиб, конверсивлик хусусиятига эга бирикма ва гапларнинг тиллараро муқобиллиги ва унинг назарий асослари бўйича жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигидаги мавжуд семантик, когнитив ҳамда концептологик қарашлар инглиз ва ўзбек бадиий прозаси доирасида тадқиқ қилинди;

таржимада муқобилликка эришишда вужудга келадиган асосий муаммоли ҳолат дунё лисоний тасвирининг турлича эканлигини ҳисобга олиб, конверсив сўзларнинг қиёсий лингвокультурологик таҳлили асосида, таржимада лингвокультурологик компонентли лексика ва унга когнитив ёндашув муҳим мезон эканлиги конверсив талқин мисолида назарий ва амалий исботланган;

бадиий асарлар таржимаси таҳлилида қиёсий чоғиштирма ва компонент таҳлил методлари, концепт, лингвокультурологик ва лисоний талқин усуллари ҳамда тиллардаги конверсив жуфтликларнинг тегишли семантик таҳлиллари асосида конверсивлар таржимасида муқобилликка эришиш мезони ва усуллари бўйича стратегия сифатида ахборотни фреймлаш, импликация, экспликация ва транслитерация усулларидан фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

имплицит маъно акс эттирувчи конверсивлик тушунчасига таржимашуносликда ўзига хос табиатга эга ҳодиса сифатида ёндашилиб, ўзбек таржимашунослигига илк марта “конверсив таржима” усули киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

инглиз тилидаги бадиий дискурда кузатилган ва ўзбек тилига таржима қилинган конверсив сўзларнинг аслиятда ифодаланган семантик юкламага муқобиллиги лингвокультурологик ёндашув асосида аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсивликни ифодаловчи сўзларнинг таркибий жиҳати аниқланиб, тиллараро муқобиллигини белгилаш жараёнида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, қўйилган муаммони тадқиқ қилиш натижасида чиқарилган умумий хулосалар ва назарий фикрлар таржимонлар учун инглиз-ўзбек ва ўзбек-инглиз йўналишларидаги таржима амалиётида муҳим амалий қўлланма бўлиши асослаб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларининг лексик ва грамматик хусусиятлари ҳамда тил функционал услубиятининг конверсив сўзларга бўлган муносабатини таҳлил қилиш жараёнида қиёсий таҳлилни таъминловчи тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш ва қиёсий таҳлил каби усуллар воситасида асосланганлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган лисоний материалнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзлар луғат таркибининг ўзига хос семантикага эга бўлган гуруҳни ташкил этувчи тил birlikларидир. Улар дунёнинг лисоний тасвирини яратишда алоҳида ўзига хос рол ўйнашини тил ва маданият контекстида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот натижалари бадий дискурда воқеланган конверсивларни бир тилдан бошқасига ўгиришнинг назарий жиҳатларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, инглиз конверсив сўзларининг ўзбек тилидаги муқобил таржима вариантини яратиш каби муаммоларнинг илмий-назарий томонларини ёритишда ўзига хос рол ўйнайди. Ҳар иккала тилда яратилган таржималарни лингвокультурологик ракурда таржима қилиш халқлар ўртасида маданий ва адабий алоқалар, қиёсий тилшунослик ва адабиётшунослик, таржимашунослик фанлари ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, аслият ва таржима қиёсий-лингвокультурологик таҳлили натижасида олинган умумлаштирилган хулоса ва тавсиялар келажакда янада юқори савиядаги таржима асарлари яратишда муҳим қўлланма бўлиши мумкин. Тадқиқот натижалари ва хулосалари мамлакатимиз олий таълим муассаларида лингвокультурология, матн лингвистикаси, стилистика, матн таҳлили, таржимашунослик соҳалари бўйича маъруза матнлари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлламалар ҳамда изоҳли луғатлар яратишда фойдали материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзлар табиатини ўрганиш ҳамда шу икки тилнинг

хусусиятлари ва функционал семантик жиҳатларининг бундай сўзларга муносабати тадқиқи бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг лингвистик табиати таҳлилини ўтказиш мобайнида конверсив муносабатни ҳосил қилувчи тил бирликларининг тафовутли ва ўхшаш жиҳатлари ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 05 ноябрдаги 2734/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида миллий корпусни яратиш ва табиий тилга ишлов берувчи дастур (NLP tool)ни ишлаб чиқишда конверсив, яъни ўзаро алоқадор қарама-қарши сўзларни маълумотлар базасига киритиш унумдорлигига эришилган.

конверсив сўзлар тадқиқига когнитив ёндашув уларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик тузилмаларини акс этиш механизмига доир хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 08 ноябрдаги 28907/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, чет тилини ўргатишда ёзма матнни мувофиқлаштириш ва идрок қилиш алгоритмини яратиш имконияти ҳосил қилинган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик таҳлили ҳамда аниқланган ўхшашликлар ва фарқлар ҳақидаги хулосалари Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS + CBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 05 ноябрдаги 2735/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳанинг маҳаллий олий таълим тизимига татбиқ қилиниши ҳамда ўзбек тилидаги конверсив бирликларнинг таснифланиши ва тадқиқи халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган;

конверсивлик тилда кўп учрайдиган ҳодиса бўлмасида нутқда турли коммуникатив юкламани бажаришга хизмат қилиши Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси ҳамкорлигида тайёрланган ҳамда Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2020 йил 8 апрел санасидан 20 майга қадар эфирга узатилган “Инглиз тилидан онлайн дарс” кўрсатувларида ёритиб берилган. (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 октябрдаги 0901/226-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинлар бугунги кунда хорижий

тилларни ўрганиш, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзаро алоқадор тескари муносабатли сўзларнинг хусусиятларини ўрганган ҳолда, таржима жараёнида тилшунослик атамаларини тўғри ифодалаш ҳамда қиёсий тилшунослик ва таржимашуносликнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлишди.

конверсив сўзларнинг прагматик мазмун ифодалашдаги роли ва бадий таржима жараёнида адекватликка эришиш, аслият матни прагматикасини қайта яратиш мақсадида ушбу воситаларни инобатга олиш зарурати, таҳлил ва таржима йўллари билан боғлиқ натижаларидан 60230200–Таржима назарияси ва амалиёти, 5611500–Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти таълим йўналишларига “Ёзма таржима” ва “Таржима назарияси” фанларидан ҳамда 70230201–Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик, 70230203–Бадий таржима (инглиз тили) мутахассисликларига “Маданиятлараро мулоқот ва таржимашунослик” фанларининг ўқув дастурларига сингдирилган. (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 29 ноябрдаги 3239/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада “Ёзма таржима”, “Таржима назарияси” ҳамда “Маданиятлараро мулоқот ва таржимашунослик” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, мақола, шундан, маҳаллий нашрларда 6 та, хорижий журналларида 3 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса, илмий ва бадий адабиётлар рўйхати ҳамда ишда фойдаланилган моделлар (жадваллар)дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Таржима назариясининг замонавий йўналишлари ва конверсивлик ҳодисаси тадқиқи**” деб номланган бўлиб, унда таржима назариясининг замонавий йўналишлари, асосий тушунча ва тамойиллари, когнитив талқин, олам манзарасининг миллий ва лингвокультурологик жиҳатлари, бадий таржиманинг лингвокультурологик хусусиятларига оид фикрлар ҳамда замонавий таржимашуносликда лингвокультурологик изланишларнинг ўрни, конверсив сўзларнинг тил тизимидаги аҳамияти ва конверсивлик ҳодисасининг тилшуносликда ўрганилиши каби масалалар муҳокама қилинган.

Таржимашунослик соҳасида энг сўнгги тадқиқотлар таржимон шахсига ва унинг таржимонлик компетенциясини шакллантиришга қаратаётганлиги, таржима жараёнининг когнитив хусусиятга эга эканлиги⁹ унга антропоцентрик ёндашувни талаб қилиб, эндиликда таржимашуносликнинг асосий вазифаларидан бири таржимон шахсини шакллантириш, таржимонлик стратегиясини танлаш, яъни касбий таржимонлик ваколоти шаклланишини юзага келтиришдан иборат¹⁰ бўлиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Таржима фақат коммуникатив акт ёки матн устида ишладан иборат бўлиб қолмасдан, балки когнитив жараённинг ҳам маҳсули эканлиги, сўнгги йилларда когнитив таржимашуносликнинг алоҳида соҳа кўринишини олаётганлиги асослаб берилди.

Ҳозирда таржима жараёнининг когнитив фаолият билан алоқасига эътибор кучайиши туфайли, таклиф қилинаётган моделлар когнитив-лисоний мундарижага эга бўлиб бормоқда. Шундай моделлар қаторига, релевантлик¹¹ назарияси моҳияти бўлган тагмаъно ёки яширин ахборотнинг мавжудлигини ўзида мужассам этган ҳамда ўзаро алоқадор қарама-қаршиликка асосланган ҳолда инвариантликни, яъни моҳиятни сақловчи когнитив хусусиятга эга конверсив кўчим ҳодисасини киритишимиз мумкин.

Таржимада муқобиллик ва адекватликка эришиш масаласи ҳали-ҳануз изоҳ талаб масала сифатида қолар экан, олимлар таржимонлар бажарадиган ментал ҳаракатлар таҳлилининг турли шакллари ва моделларини синовдан ўтказаяётган бир пайтда, конверсив талқин каби мантиқий трансформацияларни таржима амалиётига татбиқ қилиш таржимада энг муҳим жиҳат бўлган мазмунни прагматик жиҳатдан тўғри талқин қилиш имкониятини оширади.

В. Виноградов¹² таржиманинг лексик муаммоларига нисбатан “фон ахборот” атамасини ишлатишни маъқул кўрар экан, бу атамани “фақатгина маълум миллатга хос бўлган ва унинг вакиллари орқали ўзлаштирилиб, ушбу миллий ҳамжамиятнинг тилида ҳам акс этган ижтимоий-маданий маълумот” дея таъкидлаган. Олимнинг бу фикри исботини машҳур америкалик ёзувчи

⁹ Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Монография. – Т.: Наврўз, 2019. – 300 б.

¹⁰ Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Пед. фан. док. (DSc) дис... автореф. – Т.: 2018. – 65 б.

¹¹ Sperber D. and Wilson D. Relevance: Communication and cognition. – Oxford: Blackwell, 1986/1995. – 331 p.

¹² Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: Издательство РАО, 2001. – 224 с.

ва таржимон Марк Риснинг “�ўткан кунлар” романининг таржимаси мисолида кўришимиз мумкин. Таржимон ҳатто ўзбек маданиятини бошқа халқ китобхонлари ҳам ўзидек ҳис қила олишликлари учун баъзи соф ўзбек маданиятига хос сўз ва ибораларни ўзидек сақлаганлиги, масалан, ўзбек “нон”ини “bread” шаклида таржима қилмасдан баъзан “non” шаклида қолдирганлигини айтиб ўтади. Ўзбек халқи орасида яшаб ўзбек маданиятини етарлича ўзлаштирган таржимон инглиз тилида мос муқобили бўла туриб, баъзи ўзбекча сўзларни транскрипция ва транслитерация кўринишида ифодалайди ва бундан асарни ўқир экан инглиз китобхона ҳам ўзбекона маданиятни ҳис қилиб туришини назарда тутаяди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Миллий сўзларнинг таржимадаги ифодаси

Ўзбекча сўз	Марк Рис таржимаси	Инглиз тилидаги муқобили
Нон	Non	Bread
Тўй, Қизлар мажлиси	Toi, Kizlar Majlisi	Wedding, Bridal Shower
Тўйхона	Toikhana	Wedding Chamber
Чойхона	Chai khana	Tea House
Дастурхон	Dasturkhon	Tablecloth
Меҳмонхона	Mehmon Khana	Guesthouse
Ичкари (ҳовли)	Ich Kari	Inner Yard

Дискурсга лингвокультурологик жиҳатдан ёндашган таржимон, олам манзарасининг ўзбек тилидаги лисоний ифодасини ҳамда ўзбекона руҳиятни сақлаш мақсадида асарда учраган баъзи мақол ва ибораларни сўзма сўз таржима ҳолида ҳам, инглизча муқобилини ҳам келтириб ўтган. Масалан: *Oй этак билан ёпилмас (А. Қодурий). It Is Impossible To Hide The Moon With An Apron; or Murder Will Out (M. Reese).*

Эндиликда дунё ўзбек тили, унинг маданий стереотипларидан кенг миқёсда хабардор бўлиши, уни ҳис қилиши учун китобнинг сарлавҳасини фақат таржима ҳолида бермасдан “Ўткан кунлар” номини ҳам сақлаганлигини, уни “O‘tkan Kunlar. Bygone Days” шаклида ифодалаганлигини таъкидлаб ўтади.

Матн таржимаси нафақат лисоний, балки маданий омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилар экан, бунда лексик бирликнинг нафақат денотатив-сигнификатив, балки лингвокультурологик компоненти ҳам очиб берилиши “лингвокультурема”¹³ тушунчасига бориб тақалади.

Конверсивлик ҳодисасига тўхталар эканмиз, бу тушунча латин тилидаги “conversionis, f. (converto) сўздан олинган бўлиб 1) “айланмоқ, доирасимон ҳаракатланмоқ 2) айланиб қолмоқ, бурилиш, 3) нутқнинг яқунланиши”¹⁴ каби тушунчаларни билдиради.

¹³ Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М: Издательство. 2006. – 336 с.

¹⁴ Краткий латинский-русский словарь. Сост.: Малинин А.М. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1941/2001. – 672 с.

Тилшуносликда “конверсив” атамаси тил бирликларининг тескари муносабатларини ифодалаш учун ишлатилади. Бу ҳодисага биринчи бўлиб синтаксис билан шуғулланган тилшунослар эътибор қаратганлар. Уларнинг диққат марказида субъект ва объект ўртасидаги ўзаро муносабатлар туради.

Бу ҳодиса конверсивлик (converseness) номи остида Ж. Лайонз (1963) томонидан ўрганилган ва кейинчалик унга Ф. Палмер ўзаро алоқадор қарама қаршилик (relational opposition)¹⁵ мазмунини беради. Синтактик сатҳда жумла структурасини ўзгартирса-да, бир хил вазиятни ифодалаб келган тескари муносабатли кесим вазифасидаги buy/sell, taller than/shorter than ҳамда husband/wife каби жуфтликлар конверсив сўзлар ҳисобланади.

Француз тилшуноси Ш. Балли ҳам конверсивлик ҳодисасига эътибор қаратган. У келтирган мисоллар ичида “avoir le droit” (ҳуқуқига эга бўлмоқ) ва “être légitime” (қонуний бўлмоқ)¹⁶ бирикмалари лексик синонимия манбаларидан бири деб қаралади.

Рус тилшуноси Ю.Д. Апресян¹⁷ ўз тадқиқотида лексик конверсивлар, уларнинг лингвистик табиати, ўрганилиш тарихи, асосий семантик ва синтактик турлари, конверсив муносабатнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтган.

Ўзбек тилшунослигида конверсив сўзлар ва конверсив усул трансформацион таҳлил методи сифатида тавсифланган: *Собирнинг бу гапи ҳаммамизни хушнуд қилди* → *Собирнинг бу гапидан ҳаммамиз хушнуд бўлдик.*¹⁸

Л. Новиков конверсия атамасининг асосий маъноси, конверсивликнинг унга алоқаси ва бошқа ҳолатлар ҳақида сўз юритиб унинг синтаксисдаги талқинини феъл нисбат категорияси доирасида ҳам амалга ошишини таъкидлайди: *The workers build the house - The house is built by the workers.*¹⁹

О. Есперсен бу ҳодисани мажхул нисбатга алоқадор тушунчаларга боғлаб, уни эга ва тўлдирувчи ўртасида функционал қийматларнинг ўзгариши деб баҳолайди ва “тўлдирувчининг конверсияланиши” атамасини киритади. Олим “*A precedes B* → “*B follows A*” гаплари ўртасидаги мазмуний алоқадорлик ҳақида гапирар экан, биринчи гап А нинг нуқтаи назаридан, иккинчи гап эса Б нинг нуқтаи назаридан берилган”²⁰ дейди. О. Есперсен бу қарашлари билан синтактик синонимия чегараларини кенгайтирди ва турли сўз туркумлари, шу жумладан, предлоглар ўртасида ҳам конверсивлик алоқаси борлигини қайд этади: *above (menada) - under (ostida)*;

Конверсивлар лексик ва синтактик семантиканинг долзарб, мунозарали ва кўп аспекти ҳодисаларидан биридир. Улар бир денотатга эга бўлган воқеа-ҳодисани турли нуқтаи назардан номлаш натижасида пайдо бўладиган тил бирликлари бўлиб, тилда нисбият назарияси элементлари намоён

¹⁵ Palmer F. Semantics. A new outline. Semantics. – M. VSh, 1976, –164 с.

¹⁶ Bally Ch. Traite de stylistique française. – PAR. Seconde édition. Librairie C. Klincksieck. 1921. – 141 p.

¹⁷ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. «Восточная литература» РАН, – VIII с., 1995. –256 с.

¹⁸ Хайруллаев Х. Умумий тилшунослик. Услубий тавсиялар. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007, – 21 б.

¹⁹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. –214 с.

²⁰ Есперсен О. Философия грамматика. – М. Изд-во иностр лит-ры, 1958. –186 с.

бўлишини акс эттирувчи категориядир. Лексик конверсивлик бу ҳодисанинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, улар нутқнинг ҳиссий-ахборот юкламасини оширишга хизмат қилувчи унсурлар ҳисобланади. Ягона бир воқелик парчасини турлича ифодалаш имконияти мавжудлигидан конверсив талқинга концептуаллашувнинг аспектларидан бир сифатида қарашимиз мумкин.

Иккинчи боб **“Конверсивлик ҳодисасининг функционал-семантик ва лингвокультурологик таҳлили”** деб номланган бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсив сўзларнинг таркибий тузилиши, функционал-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган.

Конверсив сўзларнинг тил тизимидаги асосий вазифаси синонимик жумлаларни ҳосил қилишдир. Мисол учун, *Барселона Реал устидан галаба қозонди* жумласининг конверсив жуфти *Реал Барселонадан мағлубиятга учради* шакли эканлигидан келиб чиқилса, нутққа кўчиш шарти баъзида сўзловчининг қайси жамоа мухлиси эканлигига ҳам боғлиқ.

Ҳаракат иштирокчиларига нисбатан бир вазиятни ҳар хил нуқтадан туриб тасвирлаш орқали муқобил жумлалар ҳосил қилишда энг асосий семантик ва конструктив элементлар бўлиб хизмат қилиш конверсивларнинг асосий вазифасидир.

Конверсивларнинг стилистик вазифаси жумлада ҳар иккала конверсив жуфтликнинг иштирокида фикрни ҳиссий-бўёқдор тарзда ифодалаш: *Душманнинг мағлубияти – бизнинг галабамиз (Душман биздан мағлуб бўлди. Биз улар устидан галаба қозондик)*. В. Белошапкина²¹ ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларида конверсивларнинг сўз ўйини (каламбур) сифатида ҳам ишлатилиши юзасидан фикрлар билдирилган.

Конверсивлар, антоним ва синонимлардан фарқли тарзда, бир контекст ичида қўлланилмайди. Матнда бир конверсив сўз қўлланилар экан унинг қарама-қарши жуфти, жумлада субъект ва объектининг ўрин алмашиши оқибатида, матн ташқарисидан мавжудлиги назарда тутилади, холос. Масалан, *Қўрқув унинг юрагини музлатди* жумласидан, унда яширинган *“Унинг юраги қўрқувдан музлаб қолди”* имплицит маънони англаб олиш қийин эмас.

Конверсив сўзлар ёрдамида воқеа-ҳодиса ташаббускори ажратиб кўрсатилиши, ҳаракат бажарувчисининг фаол ёки сустроқ эканлиги ҳам таъкидланиши, бундай сўзлар аниқлик ёки ноаниқлик маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қилиши, конверсивлардан бирини танлаб ишлатиш жумлани актуал семантик бўлакларга бўлинишини аниқлаб, эътибор марказини адресат ҳаракатига эмас, балки мурожаат қилувчининг ўзига ўзгартириб мулозаматни ҳам ифодалаш мумкин.

Инглиз тилига хос конверсивлик ҳодисасининг семантик ва лингвокультурологик жиҳатлари куйидагиларда мужассам:

инглиз тили синтаксисининг аналитик хусусияти туфайли шу тил учун хос бўлган мазмунли моделлар сифатидаги барқарор конверсив синтактик қурилмалар ва турғун предикатив конструкцияларнинг мавжудлиги.

²¹ Белошапкина В.А. и др. Современный русский язык. – М.: Высш. шк., 1989. – 225 с.

ватандош, тенгдош каби лексик бирликларнинг инглиз тилида someone who lives in the same country, someone of the same age шаклида талқин қилиниши ҳолати.

иш-ҳаракат бажарувчиларининг тенг функционал юкламани бажаришини тақозо этувчи конверсив сўзларнинг мавжудлиги;

buy/sell, take/give каби “тайёр конверсивлар”²² дан ташқари each other, one another олмошлари билан бирикиб келиб конверсив муносабат ҳосил қилувчи феъллар ҳам мавжудлиги;

инглиз тилида тил бирликларининг эвфемизм кўринишидаги услубий вариантлари ҳам лингвокультурологик жиҳатдан ўзига хослик касб этиш хусусиятининг мавжудлиги;

мақол, ибора ва фразеологик бирликлар, айниқса, уларнинг таркибидаги лингвокультуремалар лингвокультурологик жиҳатни яққол акс эттириши кабилар.

Инглизча матнларнинг таржимасида вариантли конверсив сўзлар ифодалаётган маънони ажратиш ва уларни бошқа тилга ўгириш қийин кечиши маълум. Шу каби қийинчиликлар инглиз тилидаги синоним – атамалар homicide, murder, manslaughter кабилар таржимасида ҳам юзага келади. Уларнинг умумий маъноси “бирор кишини ҳаётдан маҳрум этмоқ” бўлса-да, лекин қўлланиш контексти турлича. Бинобарин, ушбу синонимларнинг луғатлардаги изоҳлари гувоҳлик беришича, homicide лексемаси фарқловчи семага эга эмас, murder сўзи эса “олдиндан режалаштирилган, қасддан” семасига эга. Manslaughter лексемаси семантик таркибида “атайлаб қилинмаганлик” семаси мавжудлиги боис, у қотилликнинг қасддан қилмаганлигидан дарак беради. Ўзбек тили луғат захирасида бу каби фарқланувчи семаларга эга маҳсус атамаларнинг йўқлиги таржимада тавсиф амалларига мурожаат қилиш ҳамда “қасддан”, “режалаштирган”, “мақсадсиз”, “тасодифан” каби модификаторлардан фойдаланишга мажбур бўламиз. Семаларга ажратиш таҳлили, бундан ташқари, яширин маъноларни, турли маъно боғланишлари билан боғлиқ ассоциацияларни, аллюзия ҳолатларини англашга, лакуналар ўрнини тўлдиришга, шунингдек, таржимада аслиятдаги тағмаънони иложи борича сақлашга, иложсизликда эса очиб беришга имкон беради. Демак, ушбу йўналишдаги таҳлил таржима компетенциясининг барча компонентлари шаклланишида ўз хиссасига эга.²³

Таҳлиллардан келиб чиқиб, конверсив трансформациянинг табиати мураккаб ва комплекс характерга эга эканлигини айтишимиз мумкин. Таржима жараёнида амалга ошириладиган трансформацияларнинг мураккаб табиати лексик-семантик, грамматик, мазмуний, мантиқий, дискурсив-экспрессив, когнитив ва лингвокультурологик хусусиятларга асосланади.

²² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. Избранные труды том I. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры», «Восточная литература» РАН, 1995. – 472 с.

²³ Сафаров Ш. Таржима компетенциясининг таркибий қисмлари // "Ўзбекистонда хорижий тиллар" илмий-методик электрон журнал. journal.fledu.uz № 3/2019. – Б. 111-129.

Тадқиқот жараёнида инглиз тилига оид 60 та феъл, 24 та от, 16 та сифат ва равиш сўз туркумига доир, 10 та предлог, жами 110 та конверсив сўзлар таҳлил қилинди (1-расмга қаранг):



1-расм. Диссертация ишида ўрганилган инглизча конверсив сўзлар.

Ўзбек тилига хос конверсивлик ҳодисасининг семантик ва лингвокультурологик жиҳатлари қуйидагиларда мужассам:

ҳар иккала субъектнинг фаоллик иштирокини тақазо этувчи тортишмоқ, учрашмоқ каби иккиланган мазмунга эга конверсив феъллар тилда ва инсон онгида ўзига хос равишда акс этади. Масалан: *Ака синглиси билан тортишди.* → *Синглиси акаси билан тортишди.* → *Ака-сингил тортишишиди.* → *Аканинг сингил билан тортишуви.* Иш-ҳаракатда икки субъект иштирок этмоқда, ҳар иккала субъектнинг иштирокида фаоллик коэффиценти бир хил. Ҳар ким ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида “ҳақиқатни” ўзи томон тортиб, мисли “ҳақиқат мен томонда” бошқаси эса “йўқ, ҳақиқат мен томонда” деган фикрни ифодалаяпти. Феъл семантикасини шу йўсинда талқин қилиш сўзловчилар томонидан дунёдаги воқеа-ҳодисаларнинг қай даражада кўриниши ва тил унсурлари ёрдамида белгилашини кўрсатиб беради.


